



**Оҳангарон дарёси  
оқимиға  
метеорологик  
омилларнинг  
таъсирини баҳолаш.**

## Мавзунинг долзарблиги

□ Маълумки, дарёлардаги сув миқдори йил давомида ва йиллараро нотекис тақсимланган. Бундай ҳолларни Ўрта Осиё дарёларида яққол кўриш мумкин. Дарёлар тўлинсув ва тошқинсув даврларида тўлиб тошиб оқиб, катта талофатлар ҳам етказиши мумкин. Энг ачинарлиси, шу даврларда йиллик оқимнинг катта қисми ҳеч қандай фойда келтирмасдан оқиб ўтиб кетади. Бошқа мавсумларда бўлса, сув кескин камайиб, куриб қолиши ҳам мумкин. Дарёларда сув миқдорининг бундай тақсимланиши асосан шу йилнинг метеорологик шароитига боғлиқ бўлади. Агар ўрганилаётган йилда атмосфера ёғинлари миқдори кўп бўлиб, намлик катта бўлса, шу йилда сув миқдорининг тебраниш амплитудаси катта бўлади. Бу жараёнда дарё ҳавзасининг табиий - географик шароити, дарёнинг жойлашиш ўрни, баландлиги ҳам муҳим рол ўйнайди.

□ Кўриниб турибдики, дарёларда сув миқдорининг ўзгариши нафақат йил ичида, балки йиллараро ҳам ўзгарувчан бўлади. Сув миқдорининг кўп йиллик тебраниши асосан иқлимнинг атмосфера циркуляцияси таъсирида кўп йиллик цикли тебранишига боғлиқ ҳолда кечади. Атмосфера ёғинлари кўп ёққан йилларда деярли барча сув объектларида сув миқдори ҳам ортади ёки аксинча бўлиши мумкин. Бундан ташқари, сув миқдорининг кўп йиллик тебраниши геологик, тектоник жараёнларга ҳам боғлиқдир. Музлик сувлари ҳисобига тўйинадиган дарёларда эса ҳаво ҳарорати ҳам муҳим аҳамият касб этади.



ЭЪТИБОРИНГИЗ  
УЧУН  
РАХМАТ!